Ушбу сонда:
2 ТАШАББУСКОРЛАР КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОҒИ - ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!
3 НАВРЎЗИ ОЛАМ ҚУВОНЧИ
4 *Барҳаёт сиймолар* ШУКУР БУРХОН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
# ISHONCH
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 14 март, сешанба №39 (871)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиш, солиқ тўловларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, солиқ ҳақидаги ҳуқуқ бузилишларининг аниқланиши, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш устидан давлат назоратини кучайтириш, шунингдек солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бошқариш тизими;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизими ходимларининг умумий сони 2000 йил 1 апрелдан бошлаб ўртача 10 фоизга қисқартирилсин. Қисқартирилаётган ходимлар ва иш ҳақи фонди Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасини ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларини ходимлар билан тўлдиришга ва мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари, 11 кишидан иборат таркибда ҳайъати бўлишига рухсат этилсин.

3. Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида солиқ органларини қисқартириш натижасида бўшайдиган ходимлар ҳисобига Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унга бевосита бўйсунувчи ҳудудий бошқармалар тузилсин.

Қуйидагилар Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

солиқ органларида ҳисобда туришдан, солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан бош тортувчи юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш;

нақд пул маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ташкил этиш ҳамда солиқ ҳақидаги қонунларни бузган шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда қидириш, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олишни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

белгиланган тартибда жиноий ишлар қўзғаш ва уларни жиноят турига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, текшириш ва таҳлил қилиш.

4. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмасида:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ташкил этилсин, унга белгиланган тартибда назорат ишларини амалга ошириш ва ҳужжатларни текшириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш функцияси юклансин;

режим ва кадрлар бош бошқармаси ташкил этилсин, унинг таркибида Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш махсус бошқармаси тузиш назарда тутилсин.

5. Белгилансинки:

Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунади;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ўз фаолиятида Давлат солиқ қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсунади.

6. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг намунавий тузилмаси;

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман давлат солиқ инспекциясининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

7. Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари учун республика бюджети ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида махсус устамалар жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни ҳамда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бош бошқармаси, Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

шу йил 1 майгача давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг янги кийим-бошини яратиш юзасидан танлов ўтказсин, бунда унга 2001 йилдан бошлаб ўтишни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бошқармаларига хизмат кўрсатиш учун автотранспорт воситаларига қўшимча лимит ажратиш тўғрисидаги масалани бир ой муддатда ҳал қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси тизимида ишлаш учун Ички ишлар вазирлиги Академияси битирувчилари орасидан тезкор-қидирув фаолияти бўйича мутахассисларни йўллашни назарда тутсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Бухоро ва Фарғона шаҳарларидаги иккита янгидан қурилган касб-ҳунар коллежларини аниқласин ва уларни икки ой муддатда ушбу коллежлар базасида 2000 йил 1 сентябргача ҳар бири 200 ўринли ихтисослаштирилган солиқ коллежлари ташкил этиш учун Давлат солиқ қўмитаси балансига берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг Бухоро шаҳар ва Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияларини, шунингдек Фарғона шаҳридаги Қиргули тумани Давлат солиқ инспекциясини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 20 октябрдаги 483-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С.Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 март

*Юртимиз кўрки*

***Сарлавҳани ўқиб балки сўрарсиз: Ўклан нимадир, у қаерда? Номи нимани англатишини билмадик, биладиган одамни ҳозирча учратмадик. Нима бўлганда ҳам бу сўз кўнгилга қандайдир яқин. Ўклан — Қумқўрғон туманидаги «Сайхон» жамоа хўжалигига қарашли кенг яйловлардан бири. У ерда — ўркач-ўркач қирлар орасида етмишинчи баҳорни кутиб олаётган Эшқобил бобо Умбаровнинг қўтони бор. Наврўз сибизға чалаётган шу кунларда Ўкланнинг қир-адирлари ўзгача тароват касб этган.***

## ЎКЛАНГА БАҲОР КЕЛДИ

Асли Шеробод туманидаги Хўжабулғон қишлоғиданмиз. 1944 йилда оиламиз билан шу ерга кўчиб келгандик. Ўшанда ўн олти яшар бўз бола эдим. 56 йилдан бери қўйнинг изидан юриб йўқчилик нима, муҳтожлик нима — билмадик. Худога шукр, — дейди Эшқобил бобо.

Ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида қўй боқиб келаётган Эшқобил бобога кампири Хурсанд момо Поёнботирова ҳамдам, шерик. Ўрталарида 12 нафар ўғил-қиз бор. Шуларнинг саккизи ўғил, тўртови эса қиз. Каттаси элликни қоралади, кичиги ўн тўққизга тўляпти. Ўғиллари Рустам, Абдувоҳид, Абдулла, Муродлар оталари билан биргаликда мол боқишади.

Чорва деганингиз ўзидан-ўзи кўпая бермайди, — таъкидлайди бобо. Бир бош қўйни сўйиш ёки сотишдан аввал тўрттасини оёғини тикка қилиш керак. Кўзга қарамай ўзингиз ҳам еяверсангиз, келган-кетганга ҳам сўяверсангиз, қўй жонивор кўпаймайди. Ҳаммасининг ҳисоби бор.

Айтганча, Эшқобил бобонинг сурувидаги қўйлар сони юз бошдан ошади. Бу йил 270 бош совлиқ қўзилаши керак, деб туришибди экан Ўкландаги чўпонлар. Наврўз бўсағасида бу ерда қўйлар бирин-кетин қўзилашга тушди, эгизлари ҳам анча.

Чорванинг иши осон эмас, дейди бобо яйловга соғинч билан бир қараб олиб, лекин роҳати ҳам бор. Шуниси яхшики, бизда яйловлар кўп. Ўт ҳар йили мўл бўлади. Уч йил аввалги хашак ғарамимизга ҳали қўл урмадик. Қўйларимиз қишда ҳам яйловдан озиқланади. Ўтган йили икки ярим тонна ем олган эдим. Шуям турибди. Молга беришга эҳтиёж бўлмади. Бизда фақат сув муаммоси қийин: ўзимизгаям, қўйларгаям. Бир амаллаб ташиб ичамиз. Хўжалик раҳбарлари ўтган йилнинг октябридан бери: «Ҳолинг қандай?» — деб сўраган эмас. Ўзинг учун ўл етим деб, қўтон яқинида ўттиз метр чуқурликда қудуқ қаздирдик. Суви бироз шўрроқ, лекин қўйга бўлади. Насос ёрдамида сув олиб, қўйларни сувлаймиз, насиб бўлса.

Чўпон бобонинг айтишига қараганда, кўпгина чўпонларнинг рўйхатида қўй бор, амалда эса чорва туёғи анча камайиб кетган. Эга, эга бўлмаса нега, деганлари шуда. «Сайхон» раҳбарлари молнинг кўпайиши ўрнига камайишидан манфаатдор бўлсалар, чорва кўпаярмиди? Хўжалик ўз чўпонлари билан ҳанузгача шартноматузган эмас. Ҳар ким ўз ҳолича иш кўради. Яхшиямки, Эшқобил бобо каби инсофли, диёнатли чўпонлар озми-кўпми бор. Йўқса... «Сайхон» қўйсиз, чорвасиз қоларди.

... Бугун Ўкланга, унинг нариги тарафидаги Оқсойга авжи баҳор келди...

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,**
**Сурхондарё.**
**«Туркистон-пресс».**

## ҚАРЗДОРЛИК БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилишида вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш, қарздорликлар муддати ўтиб кетишига йўл қўймаслик борасида жорий йилнинг дастлабки ойларида олиб борилган ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Уни мазкур кичик комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Муҳокама натижаларига кўра ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига олиб борилаётган ишларни сусайтирмаслик, ҳар бир хўжалик субъектида қарздорликлар муддати ўтиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан амалга оширилаётган ўзаро қарзларнинг олдини олиш ва тугатиш ишларини кам-кўстсиз ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, улар зиммасига ҳудудларда аҳолининг электр энергия, газ, сув ва бошқа коммунал хизматлар бўйича қарзларини ундириш; ягона молия-ҳисоб-китоб кунлари ўтказиш йўли билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлаш борасида олиб борилаётган ишларни кескин жонлантириш; банкларнинг мақсадли кредитлари ҳамда факторинг хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда мақсадли схемалар ишлаб чиқиш йўли билан ўзаро қарзларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш; шунингдек, бир йилга қўшимча мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар таркибидаги корхона ва ташкилотларда ҳисоб-китоблар ҳолати устидан доимий назорат қилиш, тўлов интизомини бузиш ҳолатлари бўйича аниқланган фактларни ҳудудий комиссиялар мажлисларида доимий равишда муҳокама этиш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар кўриб бориш вазифалари юклатилди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.





*Қарор ва шарҳ*

## ДЕҲҚОН МАНФААТИНИ ОШИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Пахтакорларимиз бу йил давлат хирмонига қарийб тўрт миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришни режалаштирган. Айни пайтда жойларда чигит экиш мавсумига қизғин ҳозирлик бошлаб юборилди. Шўрҳок ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минерал ўғит жамғариш, сифатли уруғ саралаш, эртапишар нав танлаш, экиш агрегатлари ва ҳайдов техникасини созлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Кўкламги экиш ишларини кечиктирмасдан ўз вақтида сифатли ўтказиш юқори ҳосил гаровидир. Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалиги экинларини баҳорги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори деҳқонларимиз учун айни муддао бўлди. Унда хўжаликларни уруғлик чигит билан кафолатли таъминлаш, ғўзанинг селекция навларини минтақалар тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш, давлат эҳтиёж-лари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошириш ишлари аниқ белгилаб берилган. Бу борадаги муҳим тадбирлар нуфузли идора ва ташкилотлар зиммасига юклатилган. Жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2000 йилда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини сезиларли даражада ошириш бўйича ташкилий ҳамда агротехник тадбирлар комплекси ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш топширилган.

Қарорда 2000 йил учун пахта толасининг давлат харидлари ҳажми уни етиштириш ҳажмининг 30 фоизи даражасида сақлаб қолиниши назарда тутилган. Бунда, албатта, давлат харидларининг тасдиқланган ҳажмидан ортиқча пахта хомашёсидан олинган тола хўжаликлар томонидан эркин сотилади. Бу - шуб-ҳасиз, шартномавий нархлар бўйича пахта тайёрлаш топшириғини бажарган хўжаликларга тегишли ваколатдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахта хомашёсига тўловлар, ўзаро олдибердилар аниқ ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ўз вақтида амалга оширилади. Масалан, пахтани қайта ишловчи корхоналар етти банк куни давомида топширилган хомашё ҳажми қийматининг 80 фоизи ҳисобидан дастлабки ҳақни тўлайди. 20 фоиз миқдордаги охирги ҳисоб-китоб эса пахта толаси чиқишини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш якунлари бўйича ҳал қилинади. Ўзаро ҳисоб-китобнинг бундай услуби барча ширкат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини қониқтириши табиий, албатта.

Деҳқон учун энг муҳими - жорий йилда етиштирилган пахта хомашёсига ўртача харид нархларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган баҳоси ҳар тонна учун 52 минг сўм миқдорида белгиланганидир. Бу пахта етиштириш бўйича бой тажрибага эга деҳқонларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

Ўтган йили Бўз тумани деҳқонлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган режаларни ортиғи билан бажардилар. Бунга сабаб шуки, иш ислоҳот талаблари асосида ташкил этилди. Ер ўз эгасини топди.

Бўзликлар бу йил 7433 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Барча майдонларга чигит плёнка остига экилди. Экин майдонлари 1052 та оилавий пудрат ихтиёрида.

***Суратларда**: 1. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Фотимахон Исроилова мутахассислар билан экиш сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Меҳнат фахрийлари Мирзаали Жўраев, Ғофиржон Эргашевлар йилимиз баракали бўлсин, дея дуо қилишмоқда.*

**Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

***Ватан сўзи нақадар азиз. Бир сиқим тупроқни кафтингга олганингда энтикасан, вужудингни илиқ ҳислар чулғайди. Иймону эътиқоди бутун, юрт қорига ярашни дилига туккан ҳар бир инсон ҳалол меҳнати, заковати билан Ватанини улуғлаш, унинг довруғини дунё қадар таратиш орзуси ила яшайди. Масалан, арман йигити, машҳур боксчи Артур Григорян ҳар сафар рингга отланганида, Ўзбекистон Байроғини ўпади. Ва: «Мен Ўзбекистон фарзандиман, мен Тошкентнинг боласиман» дея ифтихори боисини изҳор этади.***

## НОНКЎРЛИК

*«Ҳизбут-т-таҳрир» оқими таъсирига берилиб, назардан қолган шахс қисмати*

Хизмат сафари билан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатида бўлган киши кўп бўлса, бир ҳафтадан сўнг уйига, демакки, Ватанига қайтгиси келади. Боиси, унинг учун ўз гўшасидан бўлак маскан жаҳонда йўқ.

Афсуслар бўлсинким, орамизда шу юрт нонтузи ила вояга етган баъзи кимсалар борки, улар ножоиз йўлларга кириб, гуноҳи азимга ботмоқдалар. Аниқроғи, нонкўрлик қилиб, ўз юртига, ўз қадрдонларига қарши қўл кўтармоқдалар.

Улар ким, нима учун ўз киндик қонлари томган муътабар тупроққа хиёнат қилмоқдалар, не мақсадни кўзлаб миллий мафкурамиз ва маънавий қадриятларимизни топташга уринмоқдалар? Сабаби аниқ. Ёвузлар мустақил Ўзбекистон камолини, шу бахтли ҳаётимизни кўришолмаяпти. Улар динни ниқоб қилиб олиб, ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишда ҳали ҳаётда унча тажриба тўпламаган ёшларни авраб, ўз гирдобларига тортмоққа уринмоқдалар.

Иймонсиз одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Унинг қалби сўқир. Чироқ ёқиб минг изланг, унинг дилидан заррача ёруғлик топилмайди. Ана шундайлардан бири марғилонлик Абдулҳафиз Мақсумов бўлиб чиқди. У гўзал Фарғона вилоятининг ажойиб шаҳрида туғилган. Ўрта маълумотли, сўққабош. Муайян вақт ўсмирлар шифохонасида боғбон бўлиб ишлади. Индамас, терс табиатли бу йигит уни билган, таниган кишиларнинг эътироф этишларича, нима хоҳлашини ўзи билмасди гўё. Муайян вақт бемақсад умргузаронлик қилди. Тенгқурлари элим деб, юртим деб фидойилик кўрсатганларида, у ўзини четга олди, айрим ҳолларда ғайирлик қилди ҳам. Охир-оқибат «Ҳизбут-т-таҳрир» оқимига мансуб кишиларнинг этагидан тутди. Абдулҳафиз 1995 йилнинг март ойидан бошлаб хизбий доирада ўқитилди. Ёвузлар унга қасам ичириб, итоаткор бўлишга, ақидапарастлик ғояларини биргалашиб тарғиб этишга даъват этдилар. Ёш йигит жарга қулаб бораётганлигини фахмламади. Онг-шуурини заҳарлаган шум ниятни бошқаларга ҳам юқтиришни ҳаёт тарзи деб билди, куракда турмайдиган сўзлар битилган варақалар тарқатди. Бу ишда Назир Пориков сингари қалби сўқирлар бошқош бўлдилар.

Ҳушёр, софдил кишилар Абдулҳафиз Мақсумовнинг ножўя хатти-ҳаракатларини сезиб, тегишли жойга маълум қилишди. Ўшанда Абдулҳафизнинг ўзи ҳам, отаси ҳам минг бор тавба-тазарру қилиб, гуноҳидан ўтишликни сўрадилар. Президентимиз, халқимиз йўлдан адашган бу йигитни авф этди. Бироқ, А.Мақсумов вақт ўтиши билан яна ярамас ишларини давом эттирди. Охир-оқибат Марғилон шаҳридаги Қумтепа бозорида варақа тарқатаётган чоғида ички ишлар бўлимининг тезкор ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди...

— Истиқлол эътиқодимизни, эркимизни қайтариб берди. Юртим озод бўлгани, менинг инсон бўлганим бебаҳо бойлик, улуғ бахт, - фикрини ифодалайди талаба Б.Имомов. - Аммо орамизда юзимизни ерга қаратаётган Абдулҳафизга ўхшаган нонкўрлар борлигидан афсусдамиз. Бу каби кимсалар қаттиқ адашишмоқда. Уларнинг аччиқ қисмати катта сабоқ. Абдулҳафизнинг фожеасини кўриб: эсиз умр, эсиз одамгарчилик дейман. Биз эркимизни ҳеч қачон қўлдан бермаймиз. Ўз юртига, ўз одамларига қўл кўтарганлар эса албатта халқ ғазабига дучор бўладилар.

**Ҳавохон ТОШПЎЛАТОВА,**
**Марғилон шаҳар судьяси,**
**Ориф ЎЛМАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ТАШАББУСКОРЛАР КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОҒИ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!

*Тошкент вилояти*

***Ислоҳотлардан мақсад — кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифатига ва самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди.***

**Ислом КАРИМОВ**

## БЕОРОМ ОНЛАР МЕВАСИ

***Тўйтепалик тадбиркор Хосият Ўроқбоева очган тикувчилик цехи, ошхона ҳамда дўкон одамларга катта наф келтираяпти.***

Ҳар бир инсон не-не орзу-ниятлар билан яшайди. Ҳукуматимиз, хусусан, меҳрибон Президентимиз биз - аёллар ҳақида алоҳида қайғурмоқда. Тадбиркорликка кенг йўл берилганлиги, ҳайрли ташаббуслар қўллаб-қувватланаётганлиги руҳимизни кўтармоқда, ёниб-жўшиб меҳнат қилишга ундамоқда. Кичик корхона очиб ўзим каби уй бекаларини муҳим иш билан таъминлаш орзуим эди. Яхшилар ёрдамида эзгу ишни рўёбга чиқариш учун астойдил киришдим. Давлатдан олган кредит мадад бўлди. Дастлаб миллий таомлар ошхонасини бунёд этиб, аҳолига намунали хизмат қила бошладик. Ҳалол меҳнат, изланувчанлик туфайли биримиз икки бўлди. Оиламиз иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди.

Тез орада тикувчилик цехи ҳамда яна бир дўконни ишга туширдик. Эътиборлиси шуки, қўли гул чеварларимиз бағоят харидоргир бўлган болалар кийимлари, дераза дарпардалари, ўйинчоқларни ўта сифатли қилиб тайёрлай бошладилар. Вақт ўтиши билан туманимиздаги корхоналар, муассасалардан буюртмалар олдик. Яқинда хотин-қизлар байрами муносабати билан жамоаларда ўтказилган тантаналарда бизнинг маҳсулотларимиз меҳнат зарбдорларига энг яхши совға сифатида улашилди.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги пурҳикмат сўзларини келтириш айни муддао: "Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнесменлар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг малакасини оширмасдан туриб тадбиркорликни ривожлантириш, бозор муносабатларини шакллантиришни асло тасаввур этиб бўлмайди".

Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Ҳозирги пайтда раҳбар омилкор, ташкилотчи, айни пайтда ташаббускор бўлиши керак. Таклиф шуки, вилоятимиздаги уддабурро кишилар, ташаббускорлар тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликка қанот бағишлашда муҳим рол ўйнайди.





**Суратларда: (ўнгдан) Қибрай туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида ажойиб боғ яратган миришкорлар - Н.Инсавалиев ва А.Хусановлар.**

**Бош ҳосилот Х.Шамсиев ҳамда бригада бошлиғи Б.Инсавалиев ижарачилар буғдойзорида.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## УСТАСИГА БАЛЛИ!

***Туманимизда 1253 нафар тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилган саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган транспорт, савдо, умумий овқатланиш, тиббиёт хизматларидан аҳоли баҳраманд бўлмоқда. Ўтган йили тадбиркорларимиз томонидан давлат бюджетига юз миллион сўмдан ортиқ маблағ туширилганлиги улар меҳнати қандай самара берганини билдириб турибди.***

*Пискент туманида ўтказилган «Ташаббус-99» кўрик-танлови миллий ҳунармандчилик изчил ривожланаётганини кўрсатди*

Яқинда тадбиркорларимиз фаолиятига аниқ баҳо берилди. Ўтказилган «Ташаббус-99» кўрик-танловида улар ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Кўргазма жараёнида ўндан ортиқ шартномалар тузилиб, харидорлар сони анчага ортди. Айниқса ёғоч ўймакорлиги ва миллий ҳунармандчилик устаси Миркамол Мусаев кўргазмага тайёрлаб келган бешта сандиқ, хонтахта, ёғоч ўймакорлик нақшлари савдоси қизғин бўлди.

Сайёра Мўминова бошчилигидаги «Шуҳрат» хусусий корхонаси ишчилари ҳам кўргазмага ўз тегирмонларида тайёрланган ун маҳсулотлари, тикувчилик цехида тикилган миллий кийимлар, келин либослари, эркаклар костюмларини намойиш этдилар. Айниқса, кийим-кечаклар нозик дид билан чиройли тикилганлиги кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Шунинг учун ҳам ушбу корхона танлов ғолиби, деб топилди.

Ушбу танловни кузатиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, туманимизда сидқидилдан меҳнат қилиб, халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш иштиёқидаги кишилар кўп эканлиги, лекин тайёр маҳсулотни, жумладан, мева, помидор, айниқса чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоғига эга эмаслигимиз сезилиб қолди.

Тадбиркорлар палатасининг асосий вазифаси хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилиш ҳамда амалий кўмак беришдан иборат экан, демак, ана шу тармоқни ташкил этиш ва тадбиркорларнинг амалий фаолият юритишларида яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаверамиз.

Яна бир ташаббус бизни қувонтирди. Яъни, «Ёқуббек» хусусий корхонасининг раҳбари Абдусаттор Рашидов туманимизда шакар заводи қуриш нияти борлигини билдирди. Завод фаолияти учун керак бўладиган 50 гектар экин майдонини ажратиш масаласи ҳал этилса, кўп вақт ўтмай ўзимизда ишлаб чиқарилган шакар билан арзон нархда савдо қилиш имконига эга бўламиз.

Халқимиз андишали халқ. Бу билан фахрлансак арзийди, лекин андишали бўлиш ишга зарар келтирадиган даражада бўлмаслиги керак. Аксарият ҳолларда ёрдам сўраб мурожаат этувчи тадбиркорларимиздан ўзига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳақида ёзма равишда маълум қилишларини сўрасак, оғзаки мурожаатни маъқул кўрадилар. Бу мисолни келтиришдан мақсад кўпгина тадбиркорларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслигини таъкидлашдан иборатдир. Демак, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари устида биз ҳам бош қотиришимиз керак. Яна бир фикр. Келгусида юридик ва жисмоний шахсларни палатага аъзо қилиш ниятидамиз. Ҳуллас, ишбилармонлар, тадбиркорлар орамизда қанча кўп бўлса, дастурхонимиз шунча тўкин, турмушимиз фаровон бўлаверади.

**Шуҳрат ЖЎРАЕВ,**
**Пискент тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси.**

## ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Фаолиятимиз инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги учун ҳам туман марказий поликлиникаси ёнида дўкон очиб, харидорларга қулайлик яратиш ниятида эдик. Яхши ният - ёрти мол, деганларидек, қурилиш тез суръатлар билан олиб борилди. Айни пайтда эса шинам, янги бинода ишни бошлаб юборганмиз.

Бўка туманида салкам 90 минг аҳоли яшайди. Биз уларнинг эҳтиёжини ўрганганимизда турли ёшдаги, турли касбдаги аҳолининг маълум қисмига кўзойнаклар зарур эканлиги маълум бўлди. Ана шу мақсадда кўзойнак гардишларини ва турли хил ўлчамдаги ойналарни кўпайтираяпмиз. Ҳозирги кунда Россия ва чет элларда ишлаб чиқарилган 15 хилдаги пластмасса ва металл гардишлар, деярли ҳамма ўлчовдаги ойналар савдога чиқарилган. Яқин кунларда кўзнинг кўриш даражасини аниқлаб берадиган компьютер харид қилиш ниятимиз бор. Ўйлаймизки, бундан мижозларимиз мамнун бўлишади.

Дўконимизда шунингдек, турли ўлчамдаги шприцлар, игналар, қон босимини ўлчайдиган асбоблар ҳам савдога қўйилган. Ҳозирги кунда камёб бўлган овоз кучайтиргич аппаратлари, қўлтиқтаёқлар ҳам буюртма асосида олиб келинади.

Энг муҳими, одамлар узоғини яқин, мушкулини осон қилганимиздан кўпчилик хурсанд.

**Файзинисо УМИРОВА,**
**Бўка туманидаги «Чарос» тиббий асбоб-ускуналар хусусий дўкони раҳбари.**

## ФЕРМА ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАЧ

***Чорвачилик - билганга кони фойда. Соҳада қирқ йилдан буён меҳнат қиламан. Икки йил аввал «Истиқбол» жамоа хўжалигига қарашли фермани хусусийлаштириб олдим. 67 бош қорамол, 36 бош соғин сигирни кўнгилдагидай парваришлаяпмиз. Турмуш ўртоғим Товбой Тожихонов, ўғлим Ғанижон, келиним Барно, молбоқарлар Фозил Жуманов, Оғабек Турсунбоев, сигир соғувчилар Салима Абдиева, Гулчеҳра Турсунбоевалар билан биргаликда қилаётган меҳнатимиз самарасини бераяпти.***

Ўтган мавсумда 24-тонна сут, 12-тонна гўшт етиштирдик. Гапнинг рости, дастлабки йили соф даромадимиз унчалик кўп бўлмаса-да, йиллар мобайнида зарар ҳисобига ишлаб келган фермада тадбиркорлик қилинса, жониворнинг туёғидан терисигача фойда эканлигини ишчиларимиз англаб етишмоқда. Озуқабоп майдонларимиз янада кенгроқ бўлганида ишларимиз ҳам юришган бўларди. Амалда беда экилган майдонлар тез-тез алмашланиб турилиши лозим. Лекин биздаги мавжуд майдонларнинг аксарияти ўн бир йилдан буён алмашилмаган. Бу эса ҳосилдорликнинг камайишига, озуқа базаси етарли даражада бўлмаслигига олиб келди.

Яна бир муаммо бор: негадир кейинги пайтда туман сут қабул қилиш пункти чорвадорларга хизмат қилмай қўйди. Натижада ишлаб чиқарган маҳсулотимизни вақт йўқотиб, турли корхоналарга сотишга мажбур



бўлаяпмиз. Ортиқча чиқим ва оворагарчиликлар ўрнига марказлашган сут қабул қилиш пункти биз учун афзал. Чунки бу жойларда барча шароит ва лаборатория пунктлари бўлиб, улар сутнинг ёғлилик даражасини аниқлаб беради. Шунингдек, маҳсулотимизнинг нархи ҳам тўғри баҳоланади.

Яқинда вилоят комиссияси туманимизда бўлиб, ҳар бир чорвадор фермерга икки миллион сўмдан ортиқроқ кредит ажратадиган бўлди. Аммо фаолиятимизни янада кенгайтиришга бу маблағ камлик қилади. Сабаби — сутни қайта ишлайдиган ускуна олишга, зотли соғин сигирлар сотиб олишга эҳтиёжимиз бор. Сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, олаётган кредитимиз урвоғ ҳам бўлмайди. Бундан ташқари Янгийўл шаҳридан озуқа-ем харид қиламиз. Ҳозирги вақтда ушбу маҳсулотнинг баҳоси қиммат. Бунинг устига транспорт харажатлари ҳам тинимсиз ортиб бораяпти.

Ўтган хўжалик мавсумида икки нафар озуқа етиштирувчи хизматидан фойдаландик. 28 гектар майдоннинг 12 гектарига янги беда эккан бўлсак, 16 гектар майдонга силос ва дон учун маккажўхори экдик. Даромад яхши бўлса, буромад ҳам шунга лойиқ бўлади, деган гап бор. Фойдамиз ҳисобидан ишчиларимизни моддий рағбатлантирдик. Иш ва дам олиш шароитларини яхшиладик. Мевазор боғ ташкил этдик. Туман тадбиркорлари фикрлашиб, Оҳангарон шаҳридаги «Саховат уйи»га, Бўкадаги «Меҳрибонлик уйи»га жамғармамиздан совға-саломлар улашдик.

Ҳукуматимиз тадбиркорларга етарлича шароитлар яратиб бериш билан бирга кўплаб маҳсулотлар етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилишдек хайрли ишларни кутмоқда.

Яна бир фикр — фаолиятимизни кенгайтириб, сифатли ва мўл-кўл маҳсулот етиштиришимизда тегишли ташкилотлар янада фаолроқ бўлишса, нур устига, нур бўларди. Чунки баликчилик, паррандачилик тармоқларини ҳам ташкил этишни мақсад қилиб қўйибмиз. Агар яқин орада ниятларимиз рўёбга чиқса, маҳсулотлар янада кўпаяди, халқимиз дастурхони тўкин, дўконларимизда серобчилик бўлади. Маҳсулот қанча кўп бўлса, рақобат шунча кучли бўлади. Бу эса ўз навбатида арзончиликка олиб келади.

Яқинда бир қувончли воқеа юз берди. — «Ташаббус-99» туман кўригида чорвадор фермерлар орасида ишимиз юқори баҳоланиб, вилоят кўригига йўлланма олдик. Бу ютуқларнинг ҳаммаси яхши ният билан қилинган астойдил меҳнат натижасидандир.

**Тўйгул ТОЖИХОНОВА,**
**Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тўйгул» хусусий ферма раҳбари.**

## МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

***Саҳоватпеша кишилар илм масканлари қуриш, ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда намуна бўлишаяпти.***

Мактаблар моддий техника базасини мустаҳкамлашда ҳомий ташкилотларининг ёрдами алоҳида бўлмоқда. Жумладан "Оҳангарондон" комбинати, цемент заводи, шифер заводи, рангли металлар корхонаси мактаблар ўқувчиларини саёҳатга олиб бориш учун транспорт воситалари ҳамда керакли маблағ ажратдилар. Ёшлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақалари ғолибларини рағбатлантириш учун 30 минг сўм ажратилди.

Сўнгги вақтларда илм масканларини сифатли таъмирлаш, фан кабинетларини жиҳозлашга эътибор кучайди. Ана шу мақсад учун шифер заводи 1-мактабга бир ярим миллион сўм, дон комбинати эса 2-мактабга шунча миқдорда маблағ ўтказди. Яқинда ёшлар цемент заводидан яхши бир совға олдилар. Корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси 3-мактабга ажойиб спорт зали қуриб берди.

Фермер хўжаликлари ҳам савоб ишдан четда қолишаётгани йўқ. Айниқса Шермирза Зиёев раҳбарлик қилаётган "Зиё ота" фермер хўжалиги намуна бўлаяпти. Тадбиркорлар кам таъминланган оилаларнинг 41 нафар болаларига дарслик ва ўқув анжомлари, мактаб формалари, кийим-кечаклар олиб беришди. 43-мактабга қўшимча синф хоналар бунёд этиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлишди.

Ўқитувчилар "Авазхон" деҳқон-фермер хўжалиги ҳақида ҳам алоҳида меҳр билан гапиришди. Унинг раҳбари А.Азимов ўта тадбиркор, болажон инсон. Елиб-югуриб "Ангрен" ширкат хўжалигидаги мактабга 6 та синф хона қурдириб берди. Эндиликда эса 18-мактабга ошхона қурилишида баҳоли қудрат кўмаклашаяпти. Авазхон ака кутубхоналарни адабиётлар билан таъминлаш, спорт тадбирларини ўтказиш, меҳрибонлик уйига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришда ҳам намуна.

Телов қишлоғида Акром Қўшназаровни ҳамма саҳоватпеша тадбиркор дея таърифлайди. У шахсий жамғармасидан саховат ишлари учун 1 миллион 200 минг сўм ажратди. Эҳтиёжманд оилалардан 18 нафари фарзандларининг суннат тўйларига аталган дастурхонни безади.

**Нуриддин БУРХОНОВ,**
**Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон туман қўмитаси раиси.**

## ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Прокуратурамизга Ҳамроқул Турсунқулов номли хўжаликда фаолият кўрсатаётган 30 нафар фермер имзоси билан шикоят хати келди. Унда фермерлар сабзавот экинлари экиш учун тайёргарлик кўришгани, корхона ва савдо тармоқлари билан шартномалар имзолаб қўйилгани, лекин туман ҳокими Йўлдош Тожибоев уларга ҳамма ерда пахта етиштириш юзасидан кўрсатма бергани хусусида гап борарди. Деҳқон фермер хўжаликлари тўғрисидаги Қонуннинг 5- ва 14-моддаларида баён қилинишича, 10 гектардан кам бўлмаган фермерларга қарашли майдонларда экин турини танлаб экиш фермерлар учун ихтиёрий, ширкат хўжаликларида хўжалик томонидан белгиланган экин турларини экиш мажбурий эканлиги белгиланган. Бунинг устига фермерлар сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ва савдо ташкилотлари билан маҳсулот топшириш шартномаларини тузиб қўйишган.

Пахта ёки ғалла экишга ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам ер майдонининг 20 фоизига хоҳлаган турдаги экинни экиб, шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Ана шулар эътиборга олиниб, масала фермерлар фойдасига ҳал этилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпчилик фермерларимиз ўзларига берилган ҳуқуқ ва имтиёзларни тушуниб етмаганликлари оқибатида зарур бўлган ҳолларда ҳимоя сўраш кераклигини ҳам билмайдилар. Натижада маҳсулот етиштирувчининг ҳуқуқлари чекланиб қолади. Ана шундай ҳолат ўтган йили юқоридаги хўжаликда юз берганди. Прокурор протести билан фермерлар ҳуқуқи ҳимоя қилинди.

Янгийўл туманида 401 нафар фермер хўжалиги бўлиб, улар ихтиёрига 2714 гектар ер ажратилган. Улардан кейинги вақтда 6 та турли мазмундаги шикоят-аризалар тушди. Эътирозларнинг ҳаммаси қонун асосида ижобий ҳал этилди.

1998 йил тумандаги фермерлар аттестациядан ўтказилган эди. Уларнинг 109 нафари берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олмади ва аттестациядан ўтмади. Шу баҳонада улар статистика ва солиқ бошқарувларида рўйхатдан ўчирилган. Лекин мулки, муҳри, штампи бор ва юридик шахслар ҳисобланган фермер хўжаликларининг тугатилиши учун хўжалик суди банкротлик эълон қилиши керак эди. Аттестация комиссиясининг хулосаси эса банкротлик эълон қилишга асос бўла олмайди. Шунинг учун ҳам 13 нафар фермер фаолияти қайта тикланди. Қолганлари эса қонунни билмаганлигидан ҳуқуқ органларига мурожаат қилмадилар.

Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Иззат Матқаримов 1999 йил 27 ноябрда қўшимча ер сўраб келганларга ер берилмасин, деб қарор чиқарди. Ушбу ҳужжат ноқонуний бўлгани учун прокурор протести билан бекор қилинди.

Кредит ололмаётганликлари ҳақида фермерлар ва тадбиркорлардан шикоятлар келиб туради. Уларга кредит жуда зарур. Лекин афсуски, туманимизда бундай имкониятлардан тўғри фойдаланмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, «Сут булоғи» чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Гром Ким ихтиёрида 181 бош қорамоли бўлишига қарамай 1997 йил 5 декабрида гаров мулки 23 миллион сўмга баҳоланиб, 18 миллион 300 минг сўм кредит олган. 1998 йилда у кредитнинг тегишли улушини тўлаган. 1999 йил биринчи ярим йили учун ҳам белгиланган маблағни тўлаб келган. Кейин фермада 40 бош молни қолдириб, қолганларини сотиб, қочиб кетган. Унга кўмак бериш учун қариндош, уруғлари устама фоизларни тўлаганлар. Айни чоғда прокуратура 20 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни ўзлаштирган Гром Ким устидан жиноий иш қўзғаб, қидирув эълон қилди.

Юқорида келтирилган далиллардан хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарлик тегишли баҳосини олади. Жиноий хатти-ҳаракат учун эса жазо муқаррар.

**Фарҳод ҒАФУРОВ,**
**Янгийўл туман прокурори.**

**Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси соҳа кишиларини Наврўзи олам билан самимий табриклайди.**



Жондан азиз Ватанимиз - хур Ўзбекистон гуллаб яшнайверсин!

**Енгил, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси мамлакатимиз фуқаролари, соҳа меҳнатчиларини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами ҳамда Коммунал хизмат ходимлари куни билан муборакбод этади.**



Хонадонингиздан қут-барака аримасин, Ватанимизни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!

**Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси соҳа ходимларини шоду-хуррамлик ила кутиб олинаётган „Наврўз" байрами билан муборакбод этади. Шу унутилмас, муборак кунларда уларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, омад ва муваффақият ёр бўлсин деймиз.**



